

Қуръони карим дарслари (120-дарс) «Тайсир»даги етти қироатнинг санади



13:30 / 19.01.2021 3595

Имом Нофеъ ал-Маданий қироати

1) Имом Нофеъ ал-Маданийдан Ийсо Қолун орқали келган санад:

Ундан Ийсо Қолун қилган ривоят ҳақида бизга Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Жийзий хабар қилган. У айтади:

«Бизга уни Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мунир хабар қилган. У айтади:

«Бизга уни Абдуллоҳ ибн Ийсо ал-Маданий хабар қилган. У айтади:

«Бизга Қолун Нофеъдан хабар қилган».

(Абу Амр ад-Доний) айтади:

«Мен бу ривоят билан тўла Қуръонни устозим Шайх Абул-Фатҳ Форис ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Имрон ал-Муқрий аз-Зарирга^[1] ўқиб берганман». У киши айтганки:

«Мен бу ривоят билан тўла Қуръонни Абулҳасан Абдулбоқий ибн Ҳасан ал-Муқрийга ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Иброҳим ибн Умар ал-Муқрийга ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Абулхасан Аҳмад ибн Усмон ибн Жаъфар ибн Савбонга[2] ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъабга[3] ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Абу Нашит Муҳаммад ибн Ҳорунга ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Нофеъга ўқиб берганман».[4]

2) Имом Нофеъ ал-Маданийдан Усмон Варш орқали келган санад:

Ундан Усмон Варш қилган ривоят ҳақида бизга Мисрда қози бўлган Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Маҳфуз хабар қилган ва айтган:

«Бизга Аҳмад ибн Иброҳим ибн Жомиъ хабар қилган ва айтган:

«Бизга Абу Муҳаммад Бакр ибн Саҳл хабар қилган ва айтган:

«Бизга Абу Муҳаммад Абдуссамад ибн Абдурраҳмон хабар қилган ва айтган:

Бизга Варш Нофеъдан хабар қилган».

(Абу Амр ад-Доний) айтади:

«Мен бу ривоят билан тўла Қуръонни Мисрдаги муқрий Абулқосим Халаф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Хоқонга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен бу ривоят билан Қуръоннинг ҳаммасини Абу Жаъфар Муҳаммад (бир нусхада Аҳмад) ибн Усома ан-Нажибийга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Исмоил ибн Абдуллоҳ ан-Наҳҳосга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Абу Яъқуб Юсуф ибн Амр ибн Ясор ал-Азраққа ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Варшга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Нофеъга ўқиб берганман. Нофеъ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Нуайм эса Жауннанинг мавлосидир. Куняси Абу Рувайм. Бошқача ҳам келган. Унинг асли Асфиҳондан бўлиб, қора танли эди. Дорул-ҳижранинг (яъни Мадинаи Мунавваранинг) қироатдаги имоми бўлган. У киши узоқ умр кўрган. Тобеъинлардан етмиштасида Қуръон ўқиган. Язид ибн ал-Қаъқоъ, Шайба ибн Насоҳ, Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ўшалар жумласидандир. Улар

Абдуллоҳ ибн Аббосда, у киши Убай ибн Каъбда, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ўқиганлар».

«Қуръон илмлари» китобидан

[1] «Зарир» сўзи «аъмо» деган маънони билдириб, кўпинча кўзи кейинроқ кўрмайқолган кишига нисбатан ишлатилади.

[2] Аслида «Буён». «Ат-Тайсир фил қироатис сабъ». Абу Амрад-Доний (бундан кейинги барча тузатишлар ушбукитобдан олинди.)

[3] Аслида Ашъас.

[4] Бу ерда асосий ровий – ИйсоҚолун тушиб қолган, чунки Абу НашитНофеъга эмас, Ийсо Қолунга, Ийсо Қолун эсаимом Нофеъ ал-Маданийга ўқиб берган.